

Ҳақиқий сабр дастлабки пайтдагисидир



08:00 / 25.01.2021 2121

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қабр олдида йиғлаб ўтирган аёлнинг ёнидан ўтиб қолиб, **«Аллоҳга тақво қил, сабр қил»**, дедилар. Ҳалиги аёл у зотни танимамай, «Тинч қўй мени! Менинг мусибатим сенинг бошингга тушмаганда, билмайсан», деди. Аёлга у зотнинг кимлигини айтишган эди, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшикларига келди, сўнг: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен сизни танимабман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳақиқий сабр - (мусибатнинг) дастлабки пайтдагисидир»**, дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслимнинг ривоятида: «Ўша аёл ўлган боласи учун йиғлаётган эди», дейилган.

«Солиҳлар гулшани» китобидан